*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясида қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар шарҳи*

*Ўткир ҲОШИМОВ*

# ҚОНУН ЯРАТИШ ОСОН ЭМАС



*Билмаган одамга Парламентда ишлаш осон туюлиши мумкин. Иш шошилинч эмас. Осойишта вазият. Фақат сессиялар яқинлашганда иш кўпаяди...*

*Авваллари ўзим ҳам шундай деб ўйлардим. Энди билсам, бу фикр хато экан. Каттами-кичикми, ҳар бир қонун лойиҳасини яратиш янги асар ёзишдек ниҳоятда оғир меҳнат экан. Тўғри, кейинги пайтларда яратилган Қонун лойиҳалари сессияларда ортиқча баҳс-мунозараларсиз қабул қилиняпти. Сабаби шуки, ҳамма баҳслар сессиядан сессиягача бўлган «оралиқ» пайтида қўмиталарда авжига чиқади. Ҳар бир ибора, ҳар бир сўз, ҳатто ҳар бир вергул устида бош қотириш керак. Негаки Қонун бугун учунгина эмас, эртанги кун учун ҳам хизмат қилиши, умумжаҳон андозаларига мос бўлиши ва айни пайтда ўзимизнинг анъаналаримиз ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Бундан ташқари собиқ шўролар даврида бизнинг ўз қонунчилик мактабимиз деярли бўлмаган. Марказ қандай Қонун қабул қилса, Ўзбекистон ўшанинг таржимасини қабул қилган. Нари борса, баъзи жойлари маҳаллий шароитга «мослаштириб» жузъий ўзгартишлар билан ҳаётга татбиқ этилаверган.*

*Ўзбекистон Республикаси Истиқлолга эришгани, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилгани Қонун яратувчилар зиммасига масъулиятли вазифалар қўйди. Олий Мажлисда ўз соҳасини пухта биладиган мутахассислар — академиклар, иқтисодчилар, юристлар фаолият кўрсатаётгани қувончлидир.*

*Парламентимизнинг Биринчи чақириқ олтинчи сессиясида Матбуот ва ахборот қўмитаси тайёрлаган иккита Қонун қабул қилинди. Бири — «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун, иккинчиси — «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун. «Муаллифлик ҳуқуқи...» Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди. Бу — маълум маънода халқаро аҳамиятга молик Қонун. Унинг барча моддалари Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ВОИС қоидаларига мос бўлиши талаб қилинар эди. Бу ташкилот ер юзидаги барча муаллифлар ҳуқуқини бирдек ҳимоя қилиш билан шуғулланади. (Дейлик, америкалик ижодкор ҳуқуқи Ўзбекистонда қандай ҳимоя қилиниши талаб этилса, ўзбекистонлик ижодкор ҳуқуқи АҚШда ҳам худди шундай ҳимоя қилиниши керак).*

*Аввало, Қонунда «муаллифлик ҳуқуқи» деган тушунча билан «турдош ҳуқуқлар» деган тушунча алоҳида бўлимларда акс эттирилгани бежиз эмас. Улар ўртасида муштараклик ҳам, фарқли жиҳатлар ҳам бор.*

*Муаллифлик ҳуқуқи фақат жисмоний шахсларга — яъни ўз ижодий меҳнати билан асар яратадиган ёзувчи ва шоирлар, олим ва бастакорлар, рассом ва архитекторларга... тааллуқлидир. Турдош ҳуқуқлар доирасига эса жисмоний шахслар билан бирга юридик шахслар — яъни ташкилотлар ҳам киради: ижрочи актёрлар қатори видео (кўриш ва эшитишга мўлжалланган ёзувларни), аудио (эшитишга мўлжалланган ёзувларни) яратувчи ташкилот ва уларни эфирга узатувчи ташкилотлар — радио, телевидение, видеоканалларнинг ҳуқуқий нормалари киради. Бу нормалар Қонун моддаларида батафсил белгилаб берилган.*

*Собиқ СССРда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақида махсус Қонун йўқ эди. Бу масала Фуқаролик Кодексида бир қадар акс этган. Аммо амалда уни биров тузук-қуруқ бажармас ҳам эди.*

*Ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа. 80-йилларнинг ўрталарида «Нур борки, соя бор» романим Болгарияда нашр этиладиган бўлди. Нашриёт билан 3 минг левга шартнома туздик. (Ўша пайтда Болгария леви СССР рубли билан тенг эди). Китоб нашр этилгач, менга 157 рубл қалам ҳақини тавсия этдилар. Бундай мисолларни бошқа қаламкашлар ҳам келтириши мумкин. Бу-ку, масаланинг моддий жиҳати. Бошқа жиҳатларни кузатсак, социалистик мамлакатимизда ижодкорлар ҳуқуқи мунтазам камситилиб келинганига ишонч ҳосил қиламиз.*

*СССРнинг Фуқаролик Кодексида ижодкорнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқлари ўзи ҳаётлигида бир умр, вафотидан кейин 25 йил деб белгиланган эди. (Мулкий дегани — муаллиф асари қаерда чиқишидан қатъий назар қонуний ҳақини ундириб бериш, номулкий дегани — унинг ва ҳуқуқий ворисларининг маънавий ҳуқуқи).*

*Амалда нима бўлди? Ижодкорларнинг мулкий ҳуқуқлари ҳам, номулкий ҳуқуқлари ҳам «инига кириб кетди»! 37-йиллар, 50-йиллардаги қатағонларни эсланг. Дейлик, А. Қодирий 1937 йили ҳибсга олинди, 1939 йили қатл этилди. Унинг номи ва асарлари оқлангунча орадан 25 йил эмас, 30 йил ўтди. Чўлпон асарлари Ўзбекистон Истиқлолидан кейин, яъни орадан 50 йил ўтгач дунё юзини кўрди.*

*Жаҳон андозалари бутунлай бошқача. Бу Қонунларда муаллифнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқлари ўзи ҳаётлигида бир умр, вафотидан кейин 50 йил деб белгиланган. Ўша 50 йил ўтганидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади. Бироқ шундан кейин ҳам унинг номулкий ҳуқуқларига ҳеч ким дахл қилолмайди. Яъни адиб китобидаги биронта сўзни, рассом полотносидаги биронта рангни, бастакор мусиқасидаги биронта оҳангни ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Сессиямизда қабул қилинган Қонунда бу нарса аниқ-равшан белгилаб қўйилган. (38—ва 39 — моддалар). Бинобарин, бу Қонун халқаро ҳуқуқ нормаларига тамомила мос келади.*

*«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижод аҳли учун ғоят аҳамиятли бўлган баъзи моддаларини эслатиб ўтишни жоиз деб ўйлайман.*

*«Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади». (10-модда). «Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъий назар ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади». (11-модда). «Муаллифга (ҳаммуаллифга) тегишли, улар яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айни шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқини эътироф қилинишини истисно этади». (18-модда). «Номуайян даврадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон бериш ҳуқуқи (асарни эълон қилиш ҳуқуқи) муаллифга тегишлидир». (21-модда). «Асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш борасидаги алоҳида ҳуқуқлар муаллифга тегишлидир». (22-модда).*

*Биз учун янгилик бўлган яна бир ҳолат. 14-модда. «Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади». Бизда шу пайтгача интервью берган одам ҳақ талаб қилганини эслаш қийин. Қолаверса, интервью қаерда эълон қилинса, муаллифдан рухсат олиниши ва неча марта эълон қилинса, унга шунча марта ҳақ тўланиши шарт!*

*Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қонунда ижодкор-муаллифларнинг барча ҳуқуқлари кенг ва аниқ ифодаланган.*

*Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати: сўнгги йилларда ўзгалар яратган ижод маҳсулини ўзлаштириш — Қонун тили билан айтганда, халқаро қароқчилик авж олди. Бир студия яратган фильмни видео касетага ёзиб олиб, пуллаш, бир ансамбль концертни компакт-диск (аудио кассета)га тушириб, пул ишлаш кўп мамлакатларда одат тусига кириб қолди. Ҳолбуки, муаллиф, асари қайси мамлакатда чоп этилмасин, ижро қилинмасин, ёки кўргазмага қўйилмасин, ўз меҳнати маҳсулидан манфаатдор бўлиши шарт. Янги Қонунда бу ҳолат аниқ ифодасини топган. Бу масаланинг иккинчи — маънавий жиҳати ҳам бор. Очиғини айтсак, бизнинг юртимизда ҳам чет эллардан келтирилган беҳаё ленталарни видеобарларда ёки хонадонларда хуфёна «айлантириб», пул топаётган ёшлар ахлоқини бузаётганлар йўқ эмас. Қонун бундай ҳолатларга чек қўйишга ҳам хизмат қилади.*

*Бундан ташқари мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Бёрн, Женева, Рим, Брюссель конвенцияларига аъзо бўлиши учун ҳуқуқий асос яратади. Юртимизнинг ижтимоий мулкига айланган ноёб маънавий хазиналар: Беруний, Ибн Сино, Бухорий, Навоий, Бобур ва бошқа алломаларимизнинг чет эл кутубхоналарида сақланаётган асарларидан фойдаланишимиз учун кенг йўл очади.*

*«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ҳам, ижодкорлар учун катта имкониятлар очиши керак. Қўмитамиз бу лойиҳа устида деярли бир ярим йил меҳнат қилди. Абдулла Орипов, Иброҳим Ғофуров, Азим Суюн, Эркин Аъзамов каби ижодкор депутатлар, қонуншунослар, вазирлик ва идоралар лойиҳанинг пухта бўлишида жонбозлик кўрсатдилар.*

*Маълумки, кўп йиллар давомида китоб нашр этиш тўлалигича коммунистик мафкура монополияси бўлиб келди. Ҳар қандай китоб аввало шу мафкурага қандай хизмат қилишига қараб баҳоланди. Қоғоз ҳам, нашриёт ҳам, матбаа ҳам, китоб савдоси ҳам битта қўлда бўлди. Албатта қоғоз саноати алоҳида, нашриёт алоҳида, матбаа алоҳида, китоб савдоси алоҳида ташкилотлар эди. Аммо ҳаммаси барибир бир қўлда эди. Янги Қонун ноширлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун катта имкониятлар яратади. Ношир нашриётга, босмахонага, ўз китоб савдоси шахобчаларига ҳам эга бўлиши мумкин. Яна бир жиддий масала. Ҳозирги ўтиш даврининг маълум қийинчиликлари ижод аҳлининг моддий аҳволига таъсир қилаётгани сир эмас. Ҳар листига фалон сўм, деб ставка белгилаш замон талабидан орқада қолиб кетди. Ростини айтсак, қаламкаш оладиган гонорар баъзан машинка пулига етмаяпти. Қонуннинг 2-моддасида белгиланганидек, «Ношир ва буюртмачи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади». Бу нима дегани? Бу дегани шуки, муаллиф асар қўлёзмасини ўзи хоҳлаган ноширга тавсия қилади. Қалам ҳақи масаласида ҳам у билан шартнома тузади. Ношир айнан шу асар маънавий ҳаётимизда воқеа бўлишига ва катта даромад келтиришига ишонч ҳосил қилса, асар ҳажмидан қатъий назар муаллифга қанча ҳақ тўлашни у билан ўзи келишиши мумкин.*

*Албатта, давлат томонидан белгилаб қўйилган ставкалар бўйича шартнома тузиш ҳам мумкин. Бироқ бу «бошланғич марра» бўлиши лозим. Яъни, ношир муаллиф билан шартнома тузганда бу «маррадан» келиб чиқади ва асарнинг сифатига қараб муаллифга яна хоҳлаганча қўшимча ҳақ бериш ҳуқуқига эга бўлади. (Аммо бошланғич ставкадан кам эмас). Бундан ташқари ношир муаллифга чоп этилган китобнинг соф даромадидан ўзаро келишилган суммада ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга бўлади.*

*«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда бу масаланинг ҳамма жиҳатлари ҳисобга олинган. «Муаллифликка доир шартнома ёзма шаклда тузилиши лозим». (42-модда). «Муаллифликка доир шартнома бўйича мажбуриятларни умуман ёки лозим даражада бажармаган томон бошқа томонга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт». (43-модда). Бу дегани шуки, башарти ношир муаллиф билан асарни чиқариш тўғрисида шартнома тузсаю, вақтида чоп этмаса, фақат шартномада келишилган пулни тўлабгина қолмай, муаллифга етказилган зарар учун ҳам Қонун олдида жавобгар бўлади.*

*Башарти, шартнома мажбуриятларини муаллиф бузса, ношир олдида муаллиф жавобгар бўлади.*

*Бундан ташқари, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда ижодкор ҳамкасбларимиз билиши зарур бўлган яна бир жиддий ҳуқуқ нормаси бор. Қонуннинг 41-моддасида, жумладан шундай дейилган: «Асардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори томонларнинг келишувига биноан муаллифликка доир шартномада белгилаб қўйилади. Башарти асарни нашр этиш тўғрисидаги ёки ундан фойдаланиш ҳақидаги муаллифликка доир шартномада ҳақ тўлаш қайд этилган сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп тиражи белгилаб қўйилиши керак. Муаллиф ёки унинг меросхўрларининг ҳақ олишга бўлган ҳуқуқини рад этиш эътиборга олинмайди».*

*Соддароқ қилиб тушунтирсак гап бундай. Масалан сиз янги роман ёздингиз. Асарингиз ноширга маъкул бўлди ва у қўлёзмани фалон сўмга баҳолади. Сиз шу суммага рози бўлдингиз. Бундай пайтда энг катта тираж ҳисобга олинади. Яъни китобни ўн минг нусхада чиқаришга келишилса, ношир уни ўн минг ўн нусхада чоп этишга ҳам ҳақли эмас. Ўн мингдан кейинги нусхалар учун ношир сиз билан яна шартнома тузиб, тағин ҳақ тўлаши шарт.*

*«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда ноширлик фаолиятида монополияга йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидланган. (4-модда). Демак бу соҳада ҳам бозор иқтисоди муносабатлари ишга тушиши табиий. Шу ўринда нозик бир савол туғилиши мумкин. Бир думалаб «ёзувчи» бўлиб қолган бойвачча китоб чиқаргиси келиб қолса нима бўлади? Ростини айтсак, ҳозир ҳам шундай ҳолатлар бўлиб турибди. Ўзи қоғоз топиб, босмахона ҳаражатини ўзи кўтариб, китобини ўзи сотиб олаётганлар бор. Бироқ муаллифлик нашрларига йўл очилиши истеъдодли қаламкашларни ташвишга солмаса ҳам бўлади. Талантли ижодкорнинг асарига ноширнинг ўзи харидор бўлади. Бундан ташқари бадиий ва ғоявий жиҳатдан саёз китобларнинг чиқишига йўл қўймаслик жиҳатлари Қонунда таъкидланган. «Ноширлик фаолиятида... ноширлик фаолияти эркинлигидан қонун талабларига зид келадиган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди» (4-модда).*

*Шундай қилиб янги Қонун ноширлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга ҳам йўл очади. Хусусий ношир, табиийки, ўз зарарига ишлашни хоҳламайди. Албатта, китоб, энг аввало маънавий мулк. Бироқ у сотувга чиққанидан кейин товарга, товар эса пулга айланади. Демак ношир иложи борича яхши асарни чоп этишдан, муаллиф эса шунақа асар ёзишдан манфаатдор бўлади. Бошқачароқ қилиб айтсак, ноширлик фаолиятида яхши маънодаги конкуренция механизми ишга тушади.*

*«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда «Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказишга йўл қўйилмайди» деб, белгилаб қўйилган. (3-модда). «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда эса бу ҳолат тагин ҳам батафсилроқ аниқлаб берилган. «Ўз асарига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга унинг розилигисиз бирон бир шахс томонидан ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритишидан асарни ҳимоя қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқ (асарнинг даҳлсизлигига бўлган ҳуқуқ) муаллифга тегишлидир. Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш чоғида асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам, муаллифнинг номи кўрсатилишига ҳам бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл қўйилади. Асари нашр этилаётганда уни муаллифнинг розилигисиз безатиш, унга сўзбоши, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар киритиш тақиқланади!» («Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун. 20-модда).*

*Демак, ношир асар сифати учун муаллиф олдида ҳам, китобхон олдида ҳам масъулиятлидир. «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида таъкидланганидек, «Матбаа маҳсулотида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб қилиш, диний, миллий нифоқ солиш, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, туҳмат қилиш ман этилади».*

*Бу қоидалар жаҳон қонунчилик нормаларига айнан мос келади.*

*Бундан ташқари норматив ҳужжатларда беҳаё адабиётларни Ўзбекистонда чоп қилишгина эмас, бундай нашрларни четдан келтириб тарқатишни ман этиш масаласи ҳам ўз ифодасини топиши керак бўлади. Сабаби оддий: бизнинг ўз ахлоқ нормаларимиз, шарқона удумларимиз бор.*

*«Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда яна бир муҳим ҳолат бор. 13-моддада бундай дейилган:*

*«Болалар адабиёти, ўқув адабиётлари, фан ва техникага оид адабиётлар, норматив маълумотлар, шунингдек, кўзи ожизлар ва ногиронлар учун мўлжалланган нашрлар имтиёзли асосда чоп этилиши, қоғоз ва бошқа ресурслар, шу жумладан матбаа қуввати билан таъминланиши мумкин».*

*Бундан имтиёз мустақил давлатимиз ёшларнинг илм олиши, фан тараққиёти учун катта ғамхўрлик қилаётганидан дарак беради.*

*Шундай қилиб, олтинчи сессияда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун билан «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун бир вақтда қабул қилингани бежиз эмас. Ҳар иккала Қонун бир-бирини тўлдиришини сезган бўлсангиз керак. Бу ҳужжатлар бир жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрўсини юксалтиришга хизмат қилса, иккинчи томондан ижод аҳлининг ҳақ-ҳуқуқларини аниқлаб беради, уларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан ҳимояланиши учун шароит яратади. Президентимиз И. А. Каримов алоҳида таъкидлаётган соҳа — маънавиятимиз тараққиётига хизмат қилади.*

# «ЯЛЛА»НИНГ РАҚҚОСАСИ

Ўзбек миллий рақс санъати юлдузи Мукаррама Турғунбоева мактаби шундай бир муқаддас даргоҳки, кеча у кишининг шогирдлари бўлган ажойиб раққосалар, бугун ўзлари устоз, улар кўплаб ёшларга рақс сирларини ўргатиб, камолот сари йўлламоқдалар. Бизнинг қаҳрамонимиз ана шундайларнинг бири — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Абдуллаеванинг шогирди Роза Абдулхаировадир.

Роза дастлаб Тошкент трактор заводи маданият саройи қошида ташкил этилган ўзбек миллий рақс ансамблида фаол қатнашди. Рақс сирларини астойдил ўрганишга киришган ёш раққоса саъй-ҳаракатлари туфайли умумий ижро этиладиган рақслардан ташқари, «Доира рақси» билан биринчи бор якка ҳолда саҳнага чиқиб, томошабинлар эътиборини тортди. Дастлабки муваффақиятдан руҳланган Роза Абдулхаирова рақс санъатимиз асосчилари ва ҳозирги кунимиз юлдузларининг ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятларини синчиклаб ўрганди. Буни ўзи учун доимий мактаб, деб билди. Ниҳоят, 1992 йили «Бодом гуллари» деб номланган ёш раққосалар танловида қатнашиб, фахрли соврин соҳибаси бўлди. Шу йилнинг ўзида Роза Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясига яккахон раққосаликка таклиф этилди.

Бу ерда у «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблининг бош рақс саҳналаштирувчиси, Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Оқилова раҳнамолигида яхши ниятлар билан иш бошлади. В. Оқилова Розанинг одобига, ўзига хос услубга эга эканига тан берди ва унинг келажагига катта умид боғлаб, янгидан-янги рақсларни саҳналаштиришга киришди. Айниқса, бастакор Бахтиёр Алиевнинг «Ором», «Шаббода», «Бухороча» ва «Хоразмча» каби жўшқин оҳангларга саҳналаштирилган жозибадор рақслар Роза Абдулхаирова ижросида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Кўп ўтмай, Розанинг рақслар гулдастаси «Арабча», «Лўли рақси», «Афғонча», «Уйғурча» ва Бойсун йўриғидаги «Қошиқ рақси» каби хилма-хил ўйинлар билан бойиди.

Халқимизнинг севимли «Ялла» ансамблидаги фаолияти Розанинг ижод зарварақларини ташкил этади. 1994 йилнинг кузида бу ансамблга таклиф этилган Роза Абдулхаирова ўз дастурини янада такомиллаштиришга астойдил бел боғлади. Унинг бетиним меҳнати,устозлари бошчилигидаги доимий машқлари тез орада жиддий самаралар бера бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ Бахаринда, Арабистонда, Австрия давлатларида «Ялла» ансамбли билан бирга ижодий сафарда бўлиб, хорижлик санъатсеварлар олқишига сазовор бўлди. Жумладан, Розанинг ансамбл жўрлигидаги «Омон ёр», «Келибди», уйғурча «Гулойим», туркча «Бағчеван галди» каби халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан сайланган яллаларга тушган рақслари хорижлик санъатшуносларнинг ҳам юқори баҳосини олди.

1995-1996 йиллардаги хорижий сафарлари ҳам ажойиб хотиралар қолдирди. Швейцария, Олмония, Японияда ҳамда Американинг Атланта қитъасида бўлиб ўтган Олимпиадада «Ялла» ансамбли билан биргаликдаги чиқишлари хорижий матбуот саҳифаларида кенг ёритилди. Айниқса, Японияда ижро этган Хоразм, Бухоро ва Фарғона йўриқларидаги рақслари санъатшунослар олқишига сазовор бўлди.

Галия Измайловани жаҳон халқлари рақсларининг бетакрор ижрочиси сифатида барча тан олганлиги ҳаммамизга маълум. Ана шу улкан санъат соҳибаси сингари рақс ижрочилигини юксак поғоналарга кўтариш Розанинг бир умрлик орзусидир. Шу йўлда у бетиним изланади, устозлари санъатидан иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлишга ҳаракат қилади.



Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида ҳукуматимизнинг унвон ва мукофотларига сазовор бўлганлар орасида Роза Абдулхаирова ҳам бор. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» деган юксак унвон берилди. Бу юксак ишонч уни янги ижодий ютуқларга илҳомлантириб, ҳинд, Покистон, турк, Куба, корейс рақсларини ўз услубида мукаммал ижро этиб, томошабинларга маъқул қилдириш борасидаги ниятларини амалга оширишда куч-ғайрат бағишлашига шубҳамиз йўқ.

**Озод КАРИМОВ**

# «БУ ИШҚ СИРРИН КИТОБ ЭТДИНГ» ЁХУД САҲҲОФЛИК НИМА?

Мамлакатимизда порлаган истиқлол қуёши қадимий ва безавол маданиятимизнинг миллий истибдод соясида қолиб кетган кўпгина нодир саҳифаларини ёритди. Уларни элу юрт муҳаббати руҳи билан холисона тадқиқ этиш, халқимизнинг юксак тафаккур хазинасига қўшиб, олижаноб манфаатларга хизмат қилдириш имконини берди. Бир неча минг йиллик китобат санъатимиз ҳам ана шундай порлоқ саҳифалардан бири эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Зикр этилган мақолада ушбу муҳим масаланинг кўтарилиши ғоят аҳамиятлидир.

Китобат санъати халқимиз ижодиётининг муҳим бир соҳаси. Унинг шаклланиш тарихи узоқ-узоқларга бориб тақалади. Кўҳна маданиятимизнинг, хусусан, китобат санъатининг асрлар оша бизга қадар етиб келган бебаҳо дурдоналари мазкур соҳанинг фидоийлари эрамиздан олдинги асрларда ҳам мўъжизалар кашф этганликларидан далолат беради. Асрлар оша тобора юксалиб борган ушбу санъат халқимизнинг маънавий тараққиётига кучли таъсир кўрсатган. Жаҳоннинг неча-неча машҳур кутубхоналарида сақланиб, аҳли башарни лол қолдираётган заррин саҳифалар, бежирим ва нафис ҳуснихат, нақшинкор муқовалар оламга саводсиз эл сифатида танитилган халқимизнинг маданий ва бадиий идроки нақадар улуғворлигини кўз-кўз қилиб келмоқда. Мақолада жуда тўғри таъкидлаганидек, ана шу безавол санъатимиз тарихи, моҳияти, юксалиш йўлларини жиддий ўрганиш олимларимизнинг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларидандир.

Муаллифнинг фақат китобат тарихини эмас, балки унинг ҳозирги кундаги аҳволини ҳам баҳс доирасига олиб кирганлиги ҳам таҳсинга сазовордир. Бу борада шу кунгача кўп гапирилган бўлса ҳам, натижа у қадар қувонарли эмаслиги кўпчиликка аён. Тўғри, ҳозир китобларни эскича, қадимий усулда яратиб бўлмайди. Илгариги асрларда китоб нусхалари ўнлаб, нари борса юзлаб ҳисобланса, ҳозир юз минглаб нусхада чоп этилади, нашр этиш учун ажратилган вақт ҳам чегараланган. Аммо бу китоблар сифатига бепарволик билан қарашга ҳуқуқ бермайди, албатта. Хусусан, китобларнинг умрини узайтириш чораларини кўрмоқ кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Айниқса, мактаб дарсликлари муқовалари сифати устида жиддий ўйлаб кўриш зарур. Зеро, муқова сифати кўплаб маблағни иқтисод қилишнинг ҳам омилларидан бири экани ҳақиқатдир.

Мақола муаллифининг давр талабларидан келиб чиқиб, китоб таъмирловчи устахоналар ташкил этиш, қадимий ва нодир китоблар умрини узайтирувчи моҳир усталарни қўллаб-қувватлаш, ўқув юртларида уларни тайёрлаш ишига аҳамият бериш ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Айни чоғда айрим асарларни кам нусхада бўлса ҳам қадимий усуллар билан китобот этиш, хусусан, саҳифалар, муқоваларни анъанавий усулда безаш ишига ҳам диққат билан қараб, саҳҳофларимизнинг азалий маҳоратларини тиклаш зарур. Шу усулда китоблар яратмоқ заргарлик, наққошлик, дўзандалик, мисгарлик каби санъат намуналарини сақлашдек, ушбу санъатни ҳам янгидан жонлантиришга имкон берган бўлур эди.

Саҳҳофлик касби сирларини чуқур ўрганиш, таниқли саҳҳофлар фаолиятини ёритиш ҳам ниҳоятда муҳим таклиф, Саҳҳофлар фақат китоб тайёрлаш ва уни сотиш билан шуғулланиб қолмай, аввало ўзлари китоб шайдолари, адабиёт мухлислари, кўпинча шоир ҳам бўлганлар. Улар китобларни тарғиб этишда фаол иштирок этиб, маърифат тарқатувчилари сифатида мақбул ишларни амалга оширганлар.

Китоб бозори ташкил этиш ҳақидаги таклиф бизни айниқса қувонтирди. Йирик шаҳарларда «Китоб уйи» деб аталмиш катта магазинлар бор. Уларда исталган соҳадаги китобни топиш мумкин. Ўзбекистонимизда, қадимий китоблар ўлкасида ҳам ана шундай китоб бозорлари, ҳеч бўлмаганда «Китоб уйи» сифатидаги йирик китоб дўконлари қуриш давр талабидир. Шаҳарларимиздаги йирик китоб магазинларининг савдо муассасалари биноларига, базаларга, дўконларга айлантирилиши ғоят матаассуф ҳодиса. Бу истиқлол тақозоси эмас, балки уни суиистеъмол қилиш ифодасидир.

Қадимий китобларни тўплаш ва уларнинг ўзига хос, масалан, «ким ошди» савдосини ташкил этиш билан шуғулланиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Зеро, халқимиз қўлида бундай китоблар ҳали ҳам анчагина топилади. Айрим китоб дўконлари, хусусан, нодир китоб дўконларида мутахассислар қадимий китобларни ўқиш, сотиб олиш билан шуғулланишса, қандай яхши бўлур эди.

Хуллас, мақолада халқимиз маданиятининг муҳим бир соҳасини тиклаш ва тараққий эттириш бўйича муҳим таклифлар киритилган. Бу соҳада гап билан чекланиб қолмай, жиддий тадбирларни амалга ошириш истиқлолимиз талабидир.

**Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ,**
**Халқаро ислом тадқиқотлари маркази директорининг илмий ишлар бўйича муовини**

Акс садо

# АРИСТОТЕЛНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Р. Мусурмонов, М. Қодировларнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1996 йил, 9 августда босилган «Бу ишқ сиррин китоб этдинг» номли мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Мақолада қўйилган таклифлар ва истаклар жуда ўринли. Дарҳақиқат, китоб яратиш — саҳҳофлик, бизнинг минг йиллар давомида таркиб топиб, ривожланиб келаётган касб-ҳунарларимиздан бири ҳисобланади. Ўрта асрларда Моварауннаҳрнинг йирик маданий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Урганч, Марв ва бошқа ерларда жаҳонга машҳур китоб бозорлари бўлган. Ахир, шайх ур-раис Абу Али ибн Сино Аристотелнинг «Жон ҳақида» номли асарини ўн марталаб қайта ўқиб тушунмагандан кейин, бу асарга Абу Наср Форобий томонидан ёзилган шарҳни Бухоро китоб бозоридан сотиб олиб, бир марта ўқиб чиқиб қаноат ҳосил қилганлигини, тўла ўзлаштирганини эсласак, китоб бозорига муҳаббатимиз нақадар ошиб кетади. Буюк қомусшунос Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотут турк» асари 1914 йилда Туркия бозорларидан топилганлигини ҳам хотирлаб ўтайлик.

Биз ўтмишдаги энг яхши одатларни, қадриятларни ҳурмат қилар эканмиз, ҳозирги кунда ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг катта шаҳарлардаги бозорларда эски китоблар билан савдо қиладиган китоб расталари йўқлиги бизни афсуслантиради. Мадомики, республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Наманган, Андижон, Қўқон каби шаҳарларида махсус китоб расталари ташкил этилса, жуда ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Айни вақтда мана шу китоб расталари ҳузурида саҳҳофлик устахоналари ҳам очилса, халқимиз қўлида сақланиб келаётган, аммо қайта таъмирланишга муҳтож китоблар қайтадан муқоваланса таъмирлаш ишлари олиб борилса, ниҳоятда савоб бўлур эди.

Ўйлаймизки, бизнинг бу таклифимизни республикамиздаги олимлар, шоирлар, зиёлилар ва кўп сонли китоб мухлислари қўллаб-қувватлайдилар.

**М. ҲАКИМОВ**
**Ю. ТУРСУНОВ,**
**ЎзФА Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг илмий ходимлари**

***Таҳририятдан:***

***«Бу ишқ сиррин китоб этдинг ёхуд саҳҳофлик нима?» мақоласи юзасидан яна бир талай мактублар олдик. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий ходими Барот Ярашев, республика радиоси мухбири Мирзаали Акбаров, тошкентлик уламо Нормуҳаммад Мирзо ва бошқа китобхонлар — муштарийларимиз жўнатган мактубларнинг ҳар бирида битилган сўзлар самимий, куйинчаклик ила билдирилган фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар жўяли.***

***Таҳририятимиз билан ўрнатган ёзма мулоқотлари, газетамиз саҳифаларида берилаётган мақолаларга бефарқ эмасликлари, фикрларимиз бир мақсадга қаратилганлиги учун биз уларга миннатдорчилик билдирамиз.***

***Ўйлаймизки, «Бу ишқ сиррин китоб этдинг ёхуд саҳҳофлик нима?» мақоласи теварагида пайдо бўлган акс-садолар ҳали-вери тинмайди. Фақат фикр билдириш билангина чекланмайлик. Ўқувчилар муҳокамасига ҳавола этилган ушбу мавзуга тегишли муаммолар амалда ҳал бўлиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.***

